

# SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

## Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

2/S-son (4-jild)

**2024**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ S/2 (4) - 2024*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2024**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холиқулов Ахмаджон Боймаҳамматович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Ҳожаев Азизхон Саидалоҳонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Саидова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, “Tashkent International University of Education” халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудир;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

#### **12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:**

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

#### **13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Қаюмова Насиба Ашуровна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохидат Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

#### **19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Караматдиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

Содиқова Шоҳида Мархабобевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

#### 22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

#### 23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атақулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

### ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

#### Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: [scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

#### Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).

## **07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ**

*Полвонов Козимбек*

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ШАҲАРЛАРИ ТОПОНИМИГА ОИД  
МАЪЛУМОТЛАР ..... 10-15

*Hadjamuratova Matlyuba*

МАКТАВГАСНА ТА’ЛИМДА БОЛАЛАРНИ ИЈТИМОЙ НИМОYA QILISHGA INNOVATSION  
YONDOSHUVNING DOLZARBLIGI ..... 16-21

*Шовкатов Шокир Шовкат ўғли*

АБУЛ-ЮСР ПАЗДАВИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШДАГИ ЁНДАШУВЛАР ..... 22-31

*Mo‘minov Xusanboy Madaminjonovich, Qodirjonov Omadjon Tavakkaljon o‘g‘li*

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA SUD QONUNCHILIGIGA KIRITILGAN O‘ZGARISHLAR VA  
ULARNING ANAMIYATI ..... 32-36

*Пардаев Асрор*

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИНИ ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ  
МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ ..... 37-42

## **08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ**

*Умурзақова Мўътабархон Нодир қизи*

ЖАХОНДА ТИББИЙ СУҒУРТА ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ..... 43-52

*Рахманов Зафар*

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ДЕПОЗИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ  
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИНИ БАҲОЛАШ ..... 53-62

*Аминов Фазлитдин Бахадирович*

РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ СЕМЕЙНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В ЭКОНОМИКЕ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ..... 63-70

*Курбонова Шахриноз Авазхоновна*

ИҚТИСОДИЁТНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР  
ТАҲЛИЛИНИ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ..... 71-81

*Azimova Hulkar Egamberdiyevna*

KREDIT PORTFELINI SAMARALI BOSHQARISHDA TIJORAT BANKLARINING O‘RNI ..... 82-87

*Rajabov Orzujon Mamasoliyevich*

LOGISTIKA XIZMATLARINI KO‘RSATISHDA BUYUMLAR INTERNETI (INTERNET OF  
THINGS)DAN FOYDALANISH ..... 88-93

*Саидов Сарвар Хайруллоевич*

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИДА БОШҚАРУВ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ  
БОРАСИДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ..... 94-104

*Сержанов Аймурат Медетбаевич*

ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ БАНКЛАР ХИЗМАТЛАРИНИ ЯРАТИШ  
ЗАРУРИЯТИ ..... 105-111

*Туробов Шерзод Алишеревич, Ибодуллаев Зафар Ибодуллаевич*

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХОРИЖ  
ТАЖРИБАСИ ..... 112-119

*Daniyarova Feruza Baxriddinovna, Chinorova Shahodat Mansur qizi*

O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTIGA HORIJIIY INVESTITSIYALARNI JALB QILISH  
YO‘LLARI ..... 120-126

*Temirova Feruza Sagdullayevna*  
XULQ-ATVOR IQTISODIYOTI VA BRENDGA SODIQLIK ..... 127-132

*Sharipova Shaxzoda Xasanovna*  
YANGI O'ZBEKISTONDA TURIZM MADANIYATINI YUKSALTIRISH ISTIQBOLLARI ..... 133-138

### **09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

*Алимова Шахноза Хамидовна*  
НОГИРОНЛИГИ БОР ЁШЛАР - АЛОҲИДА ХУСУСИЯТГА ЭГА ИЖТИМОЙ-ДЕМОГРАФИК  
ГУРУҲ СИФАТИДА ..... 139-147

*Асракулова Адиба Набиевна*  
“ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ” НИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ  
ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ  
АҲАМИЯТИ ..... 148-154

### **10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

*Teshabayeva Dilfuza Muminovna*  
LEXICAL PROBLEMS OF TRANSLATING THE NAMES OF NEW PHENOMENA IN MASS  
MEDIA ..... 155-160

*Rustamov Ilhom Tursunovich, Inog'omjonova Robiya Rustamjon qizi*  
INTERFERENSIYA HODISASINING TILDA AKS ETISHI XUSUSIDA OLIMLARNING  
TADQIQOTLARI VA QARASHLARI ..... 161-165

*Abdikhmidova Sevinch Obidjon kizi*  
PROBLEMS FACED IN TRANSLATING PROPER NOUNS ..... 166-170

*Djurakulova Elmira Suyunova*  
SHOYIM BO'TAYEV ROMANLARIDA BADIY XRONOTOP VA MIFOLOGIK TALQIN ..... 171-177

*Dalieva Madina Khabibullaevna*  
THE ROLE OF BLENDING THEORY IN POLYSEMY AND METAPHOR ..... 178-183

*Жўраева Ирода Ахмедовна*  
ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК АНТРОПОНИМИК ЛУФАТЛАР ТИПОЛОГИЯСИ ..... 184-189

*Iminova Shahnoza-Begim Bahodirovna*  
INGLIZ TILIDA INSONNING IJOBIY AQLIY XUSUSIYATLARINING IFODALOVCHI  
BIRLIKLARINING KONSEPTUAL, LINGVO-MADANIY XUSUSIYATLARI ..... 190-193

*Irgasheva Shoxida Sadriddinovna*  
INTERNET DISKURSIDAGI IQTISODIY NEOLOGIZMLARNI TARJIMA QILISH  
XUSUSIYATLARI ..... 194-200

*Tursunova Zarina Farxodovna*  
LINGVISTIKADA EMOTLARNI O'RGANISHGA ZAMONAVIY YUNDASHULAR (INGLIZ TILI  
ASOSIDA)..... 201-205

*Satibaldiyev Erkinjon Kamilovich*  
PARADIGMATIC SOUND INTERFERENCE IN THE ENGLISH SPEECH OF  
TURKOPHONES ..... 206-212

*Radjabova Hafiza Shukrulloevna*  
INGLIZ VA O'ZBEK TERMINOLOGIYASINING METODOLOGIK ASOSLARI ..... 213-220

*Avezova Dilovar Salimovna*  
TAXALLUSLARNI O'RGANISHNING NAZARIY JIHATI ..... 221-225

<i>Alikberova Kamila Adhamovna</i> A CRITICAL ANALYSIS OF LANGUAGE USE AND LANGUAGE ACQUISITION .....	226-232
<i>Rakhmatova Bahara Ibodulla qizi</i> THE ROLE OF LEGAL DISCOURSE IN MODERN LINGUISTICS .....	233-238
<i>Valieva Nargizakhon Zamir kizi</i> COMPARATIVE ANALYSIS OF “KITE RUNNER” AND “A THOUSAND SPLENDID SUNS” BY KHALED HOSSEINI: THEMES, CHARACTERS, AND SOCIOPOLITICAL CONTEXT .....	239-244
<i>Mamatqulova Zilola Rejabaliyevna</i> RISHTON KULOLCHILIK MAKTABI KASB-HUNAR LEKSIKASINING STUKTURAL TASNIFI .....	245-251
<i>Alimova Kamola Tursunovna</i> CHALLENGES IN PREPARATION OF GUIDE TRANSLATORS .....	252-258
<i>Сейтумбетова Айкумар Пулатбаевна</i> ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ В АНГЛИЙСКОМ, РУССКОМ И КАРАКАЛПАКСКОМ ЯЗЫКАХ.....	259-264
<i>Бегжанова Айсилу Махмудовна</i> ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА КОМПЬЮТЕР ЛИНГВИСТИКАСИ ТЕРМИНЛАР ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ .....	265-270
<i>Kubanova Ilmira Sharifovna</i> EXPLORING ABBREVIATED RAILWAY TERMINOLOGY IN ENGLISH: A COMPREHENSIVE ANALYSIS .....	271-275
<i>Azamjonova Sarvinoz</i> USE OF TOPONYMS IN MODERN FRENCH MEDIA .....	276-282
<b>12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР</b>	
<i>Muxiddinova Dildora Muxiddinovna</i> O‘ZBEKISTONNING BOJXONA FAOLIYATIGA KIOTO KONVENSIYASINI JORIY ETISHNING HUQUQIY JIHLTLARI VA JSTGA A‘ZOLIKNING TA‘SIRI .....	283-292
<i>Asadov Eldorjon Nizomiddin o‘g‘li</i> SOLIQ NAZORATI HUQUQIY ASOSLARINI TAKOMILLASHTIRISH DAVLAT MOLIVAVIY NAZORATI INSTITUTINING MUHIM OMILI .....	293-298
<i>Mustanov Ixom Abdivalijonovich</i> BANK QONUNCHILIGINI BUZGANLIK UCHUN JAVOBGARLIKNING NAZARIY-HUQUQIY JIHLTLARI .....	299-304
<i>G‘oyibov Jo‘rabek Choriyevich</i> YOSHLAR MIGRATSIYASI: MUAMMO VA YUTUQLAR TAHLILI .....	305-309
<b>13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ</b>	
<i>Kuziyev Otabek Chuliyevich</i> TALABALARDA AXBOROT MODELLASHTIRISH KO‘NIKMASINI SHAKLLANTIRISHNING MUHIM UCH BOSQICHI .....	310-314
<i>Fattaxova Diloram</i> TIL O‘QITISHDA FOYDALANILADIGAN KOMPYUTER METODLARI .....	315-321
<i>Moydinova Elmira</i> APPLICATION OF FLIPPED LEARNING METHODS IN THE UNIVERSITY	



CLASSROOM .....	322-326
<i>Xodiyeva Gulhayo Hasan qizi</i>	
ZAMONAVIY BOSHLANG'ICH TA'LIMDA 4K MODELI KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISHGA INTEGRATIV YONDASHUVNING MOHIYATI .....	327-333
<i>Doniyorova Gulrux Shoniyozovna</i>	
AVTOMOBILSOZLIK YO'NALISHI TALABALARINING KASBIY KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISHDA DASTURIY VOSITALARNING AHAMIYATI .....	334-338
<i>Jumaniyozova Muhayyo Tojiyevna</i>	
RIVOJLANTIRUVCHI TA'LIMINING ASOSIY NAZARIYALARIDA TA'LIM OLUVCHINING ANALITIK QOBILIYATINI SHAKLLANTIRISH MUAMMOLARI .....	339-344
<i>Xo'jamberdiyeva Dilfuza Ikramovna</i>	
DARSLIK BILAN ISHLASH O'QUVCHILARNING AXBOROT KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH VOSITASI SIFATIDA .....	345-351
<i>Mamaraimov Bekzod Qodirovich</i>	
O'QUVCHILARNING TADQIQOTCHILIK KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH VA ULARNING QIDIRUV FAOLIYATIGA TAYYORLIGI .....	352-356
<i>Xudayberdiev Nurislam Nuralievich</i>	
BO'LAJAK O'QITUVCHILARINING RAQAMLI KOMPETENTLIGINI SHAKLLANTIRISHNING TASHKILY-PEDAGOGIK MEXANIZMI .....	357-363
<i>Qarshiyev Jamshid Murotaliyevich</i>	
TALABALARINING O'QUV FAOLIYATI VA ILMIY IZLANISHLARIDA SUN'IY INTELLEKT: IMKONIYAT VA CHEGARALAR .....	364-369
<i>Teshaboyeva Shahodat</i>	
ZAMONAVIY SHAROITDA SHAXSNING KASBIY HUQUQIY MADANIYATI .....	370-375
<i>To'rayeva Dilnoza Ismoilovna</i>	
RAQAMLI TA'LIM MUHITIDA BO'LAJAK O'QITUVCHINING KASBIY KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH USLUBIY TAYYORGARLIKNING BIR QISMI SIFATIDA .....	376-380
<i>Beknayeva Shaxnoza Vladimirovna</i>	
MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARIDA INSON RESURSLARINI BOSHQARISHDA INNOVATSION JARAYONLAR .....	381-388
<i>Dusyarov Salimjon Xudaymuratovich</i>	
HARAKATLI O'YINLAR ASOSIDA MAKTAB O'QUVCHILARIDA JISMONIY MADANIYATNI SHAKLLANTIRISH .....	389-393

**Бегжанова Айсилу Махмудовна**

1-босқич докторант, Қорақалпоқ давлат университети  
[aysuliwmaxmudovna@gmail.com](mailto:aysuliwmaxmudovna@gmail.com)

### **ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА КОМПЬЮТЕР ЛИНГВИСТИКАСИ ТЕРМИНЛАР ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Аннотация.** Айни пайтда ўзбек тили компьютер лингвистикаси терминологияси хорижий тиллар, хусусан, инглиз тилидан ўзлаштирилаётган янги лексик бирликлар вужудга келиши натижасида соҳа терминологик фонди мунтазам равишда кенгайиб, тўлдирилиб бораётгани кузатилмоқда. Шундай экан, тилнинг терминологик таркиби муттасил давом этадиган ўзига хос ижтимоий-иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар билан ўзаро мустақкам алоқада бўлади. Инглиз ва ўзбек тили компьютер лингвистикаси терминологик бирликларининг шаклланиши жараёни икки соҳа бирликларининг ўзаро қўшиливи, яъни бирикуви натижасида рўй берган.

**Калит сўзлар:** компьютер лингвистикаси, термин, терминология, терминологик лексика, таржима.

---

**Begjanova Aysiliu Maxmudovna**

1st stage doctoral student, Karakalpak State University

### **SPECIFIC FEATURES OF THE SYSTEM OF TERMS OF COMPUTER LINGUISTICS IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES**

**Abstract.** At the moment, it is observed that the terminological fund of the field is regularly expanding and replenishing as a result of the emergence of new lexical units that are acquired from foreign languages, especially English. Therefore, the terminological structure of the language has a strong relationship with specific socio-economic events and processes that continue continuously. The process of formation of terminological units of computer linguistics of English and Uzbek languages occurred as a result of the mutual integration of the units of the two fields.

**Keywords:** computer linguistics, term, terminology, terminological lexicon.

---

**Бегжанова Айсилу Махмудовна**

1- курс докторант, Каракалпакский государственный университет

### **ОСОБЕННОСТИ СИСТЕМЫ ТЕРМИНОВ КОМПЬЮТЕРНОЙ ЛИНГВИСТИКИ В АНГЛИЙСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ**

**Аннотация.** На данный момент терминологический фонд узбекского языка регулярно расширяется и пополняется в результате появления новых лексических единиц, усвоенных из иностранных языков, в частности, английского. Поэтому терминологический состав языка имеет прочную связь с конкретными социально-экономическими событиями и процессами, продолжающимися непрерывно. Процесс формирования терминологических единиц компьютерной лингвистики английского и узбекского языков произошел в результате взаимной интеграции единиц двух областей.

**Ключевые слова:** компьютерная лингвистика, термин, терминология, терминологическая лексика, перевод.

---

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4SI2Y2024N38>

**Кириш.** XXI аср глобаллашув, интернет ва компьютерлаштириш (ахборот коммуникация технологиялари) даврида Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамияти сафидан муносиб ўрин эгаллаши давлатлараро иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, маданий, ўзаро дипломатик ва бошқа алоқаларни жадал суръатлар билан ривожланишига олиб келди. Бундай ўзгаришлар тилнинг барча лексик қатламларига сезиларли таъсир кўрсатади, албатта. Тилнинг ривожланиш жараёнида унинг терминологик лексикаси бошқа соҳаларига қараганда тез ва сезиларли, жиддий ўзгаришларга учрайди. Бунинг объектив сабаблари маълум. Бундай ўзгаришлар терминологик фонднинг фақат миқдор жиҳатдан эмас, балки сифат жиҳатдан ҳам ривожланишини ва тараққий этаётганини акс эттиради.

**Адабиётлар таҳлили.** Мамлакатимизнинг истиқлол йилларида ёзма ва оғзаки нутқда миллийлаштириш жараёни бошланиб, ном, атама ва терминларни соф ўзбек тилида аташ эҳтиёжи вужудга келди. Собиқ Иттифоқ тизими таназзулидан сўнг МДХ Республикаларининг мустақил ривожланиш йўлига ўтиши бозор иқтисодиёти сиёсатининг жадал амалга ошириш эҳтиёжини юзага келтирди. Ушбу сиёсатни амалга оширишнинг энг мақбул йўли жаҳондаги ривожланган давлатларнинг иш тажрибаларини ўрганиш ва уни мос тарзда ўзлаштириш эди[1]. Бу эса ўз ўрнида кўплаб соҳалар лексикасига терминларни ўзлашишига ва тилшунослик соҳасида “терминологик портлаш” жараёнининг юз беришига олиб келди. Баъзи олимлар компьютер лингвистикаси фанини амалий тилшуносликнинг ўзига хос йўналиши сифатида эътироф этишса, баъзилари унга инсон нутқини компьютерлардан фойдаланган ҳолда сунъий тилни яратишга йўналтирилган бир соҳа сифатида қарашади, яна бошқа бир гуруҳ олимлар мазкур фан ўз таркибига математик усуллар ва ахборот моделлаштириш усулларини қамраб олади,- деган фикрни билдиришади. Яна бир илмий мактаб вакиллари ушбу йўналишни табиий тилда инсон ва компьютер ўртасидаги алоқа муаммоларини ҳал қиладиган йўналиш сифатида қабул қилишса, бошқа гуруҳ олимлар эса умуман тилшунослик ва турдош фанларда компьютер тил моделларини қўллаш соҳаси – деган фикрларни илгари суришган. Компьютер терминологияси билан махсус шуғулланган тилшунос олим И.Л.Комлеванинг фикрича: “...компьютер терминологик системасида мавжуд бўлган яқка морфемадан ва кўп компонентдан таркиб топган терминологик бирликлар мазкур соҳанинг тили, яъни компьютер лексикасининг бир қисми”[2] эканлигини таъкидланади. Олим бу фикр орқали компьютер терминологиясини мазкур соҳада шаклланган, техник - технологик жиҳатдан шахсий компьютерлар ва улар учун дастурий таъминотни ишлаб чиқиш билан боғлиқ маълум бир тил бирликларини махсус тил сифатида эътироф этади.

**Муҳокама ва натижалар.** Мазкур ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий ҳамда ахборот коммуникация соҳаларидаги ўзига хос бурилиш натижасида янги компьютер лингвистикаси терминологик бирликларининг ўзбек тили мулоқотида қўлланилиши ва ривожланиши аксарият мутахассисларга маълум даражада қийинчилик туғдирди. Бу каби экстралингвистик омиллар КЛ терминологик тизимига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Бунинг натижасида инглиз тили орқали лотин, француз, италян, грек тилларидан ўзбек ва рус тили лексик қатламига байналмилал

характерга эга бўлган КЛ терминларидан ташқари калька, ярим калька таржимаси орқали талқин қилинадиган лексик бирликлар кириб келди ва улар бугунги кунда миллий тилимиз бўлмиш ўзбек тили таркибида ҳам истеъфода этилмоқда. Қайд этиш лозимки, ушбу тил бирликларининг баъзилари якка морфемадан таркиб топган бўлса, баъзилар сўз бирикма шаклида, яна бошқалари эса қўшма сўзлар тарзида ҳосил бўлган лексик бирликлардир. Булар қаторига: *computational linguistics* – компьютер лингвистикаси, *pixel* - пиксел, *machine translation* – автомат/машина таржима, *agent* – агент, *computational modeling* – компьютерда моделлаштириш, *encoding* – кодлаш, *decoding* – кодни ечиш, *media player* – медиа плейер, *text database* – текст (матн) дамабейз, *ChatGPT*- ЧатЖПТ, *chatbot* - чатбот, *datagram* - дамаграм, *databank* - дамабанк, *informational autotentification* – информацияцион аутотентификация, *text summarization* – матнни якунлаш, *computational text classification* – компьютерда матнни таснифлаш, *global internet system* – глобал интернет тизими, *automatically text synthesis* – матнни автоматик синтезлаш, *micro processor* – микро процессор сингари соҳага оид терминларни киритиш мумкин. Ушбу келтирилган мисолларнинг семантик-функционал хусусиятлари орқали компьютер лингвистикасини инсон ва компьютер ўртасидаги ўзаро алоқани кучайишида, жамият аъзолари учун муҳим мулоқот воситаси ҳисобланган тил билан узвий боғлиқ жараёнларни автоматлаштиришда, моделлаштиришда ҳамда матнга оид маълумотлардан ўзига хос қийматли тушунчаларни олишда турли амалий дастурлардан самарали фойдаланиш қандай муҳим аҳамият касб этишини изоҳлашга эҳтиёж мавжуд эмас.

Айни пайтда ўзбек тили компьютер лингвистикаси терминологияси хорижий тиллар, хусусан, инглиз тилидан калька усулида ўзлаштирилаётган янги лексик бирликлар вужудга келиши натижасида соҳа терминологик фонди мунтазам равишда кенгайиб, тўлдирилиб бораётгани кузатилмоқда. Шундай экан, тилнинг терминологик таркиби муттасил давом этадиган ўзига хос ижтимоий-иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар билан ўзаро мустаҳкам алоқада бўлади.

Ҳозирги пайтда ўзбек тили компьютер лингвистикаси терминологиясининг бойиши, асосан, бошқа тиллардан сўз олиш/ўзлаштириш ва ички сўз яшаш ҳисобига юз бермоқда. КЛ терминологиясининг тартибга солинганлиги эса унинг барқарорлигини белгилаб берувчи омиллардан бири ҳисобланади. Инглиз ва ўзбек тили компьютер лингвистикаси терминологик бирликларининг шаклланиши жараёни икки соҳа бирликларининг ўзаро қўшиливи, яъни бирикуви натижасида рўй берган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, умумадабий тилда синонимия, омонимия ва полисемия ҳодисалари тилнинг бойлиги ва жозибадорлиги бўлса, компьютер лингвистикаси лексикасида булар мақбул ва меъёрий ҳолат ҳисобланмайди. Масалан: инглиз тилида мавжуд бўлган “**data base**” термини акс эттирадиган тушунчани ифодалаш учун ўзбек тилида *маълумотлар базаси* – *маълумотлар банки* – *маълумотлар тўплами* терминлари қўлланилади. Шунингдек, инглизча “**computer aided translation**” - терминини ўзбек тилида *компьютер таржима*, *автомат таржима*, *машина таржимаси* тарзида қўллаш ҳолатлари ҳам учрайди. Бундай ҳолат ўз навбатида, ўқиш, ўқитиш ва ахборот алмашиш жараёнларини нисбатан қийинлаштиради. Шу сабабли ҳам махсус терминологик тизимларни маълум даражада барқарорлаштириш мақсадида барча тилларда терминлар доимий тарзда тартибга солиб турилади. Тартибга солиш

маълум терминологик меъёрлар асосида амалга оширилиши мумкин. Масалан: компьютер лингвистикаси соҳасига оид махсус луғатларни нашр қилиб туриш ҳам бу жараёнда муҳим аҳамиятга эга. Бундай амалий ишларнинг ижобий натижалари нафақат таълим беришда, балки тилда, хусусан компьютер лингвистикасида ҳам ўз аксини топмоқда.

Тилшунос олим О.С.Ахмедовнинг тўғри таъкидлаганидек, “...ҳар бир соҳавий терминологик тизим ўзига хос ва муҳим хусусиятларга эга. Улардан бири, муайян соҳаларда қўлланилувчи терминологик бирликлар соҳани тартибга солишга қаратилган расмий, ҳуқуқий ҳужжатлар, актлар ва кодексларда қўлланилади ва матн мазмунининг асосини ташкил этса, иккинчиси терминологик тизим мулоқот жараёнида кўпинча аниқ маълумот етказувчи лексик қатлам ҳисобланади. Махсус соҳа терминларини тўғри қўллаш орқали ҳужжатлар матни аниқ ва равшан ёзилишига эришилади, жамият аъзоларининг барчасига бир хил тарзда тушунилишида, матнларнинг максимал даражада ихчамлигини ва конкретлигини таъминлашга хизмат қилади. Демак, махсус соҳалар терминларини илмий-назарий жиҳатдан чуқур тавсифлаш ҳамда таснифлаш аввало мазкур соҳалардаги ахборотни тартибга солиш учун замин яратилганидан далолатдир”[3].

Ўзбек тили компьютер лингвистикаси терминологиясининг ўзига хос хусусиятлардан бири, хорижий тиллардан сўз ўзлаштириш бўлса, яна бири хорижий тилларга тааллуқли тушунчаларни ўз ички имкониятлар асосида ифодалаш тамойили ҳам амал қилишидир. Бу жараёнда четдан кириб келаётган ўзлашмаларнинг бир қисми ўзбекча муқобиллари билан алмаштирилади ёки калька таржима усули орқали берилди. Ушбу усул янги термин ва тушунчаларни ифода этишда анча қулайлиги билан ажралиб туради. Масалан: *digital network* – рақамли тармоқ, *smart computer* – “ақлли” компьютер, *online (distance) class* – онлайн (масофавий) таълим, *electronic dictionary* – электрон луғат, *computer analysis* – компьютер ёрдамидаги таҳлил, *computer based education* – компьютерлаштирилган таълим, *computer based translation (Google translator)* – компьютер ёрдамидаги таржима, *computer dependent language* – компьютерга асосланган тил, *computer editing* – компьютер таҳрири, *computer description language* – компьютер тузилмасини тасвирловчи тил, *natural language processing* – табиий тилни қайта ишлаш, *computer intelligence* – компьютер интеллект, *computer literacy* – компьютер саводхонлиги, *text highlighting* – матнни алоҳида белгилаш, *text processing equipment* – матнни қайта ишлов жиҳози, *electronic (internet) library* – электрон кутубхона ва бошқалари шулар жумласидандир. Юқоридаги мисоллардан кузатиладики, КЛ соҳасига оид баъзи инглизча терминлар ўзбек тилига ўгирилганида ўз лексик таркибини сақлаб қолса, баъзиларининг эса луғавий таркиби кенгайди.

Ўзбек тили компьютер лингвистикаси терминологик тизимида муайян тушунчаларнинг муқобили бўлмаганлиги боис уларни битта таркибли лексема билан ифодалашнинг имконияти йўқ. Ваҳоланки, соҳага оид хорижий тиллардан кириб келган тушунчаларни кўп таркибли сўзлар ёрдамида талқин қилиш ёки тавсифлаш терминология талабларига зид келади. Мана шундай ҳолатларда хорижий байналмилал терминлар эталон тилда қандай бўлса, ўзбек тилига ҳам айнан шундай шаклда қабул қилиш тўғри бўлади. Масалан: *Internet* - интернет, *monitor* - монитор, *test system* – тест тизим (системаси) , *ID* - ID, *control* – назорат (контрол), *prayer* – нейми, *ChatGPT* -

ЧатЖПТ, Google scholar – гуғл сколар, cartridge - картриж, computer company – компьютер компанияси, cryptosystem – крипто тизим (крипто система), server - сервер, play list – ней лист, e-mail - э-мэйл, user- юзер, fisher - фишер, file virus – файл вируси, hyper text – гипер текст (гипер матн), spam – спам, reflector – рефлектор, browser - броузер, disk operating system - диск оперцион тизими (системаси), computer graphics – компьютер графикаси, diagram - диаграмма, domen - домен, connector - коннектор, video text – видео текст (видео матн) шулар жумласидандир.

Юқоридаги терминлар сингари хорижий терминларни муайян сўз ясашиш усуллари асосида янгидан ҳосил бўлган дериватлар билан алмаштириш жараёнида ўзбек тили компьютер лингвистикаси лексикаси янада бойиб, ривожланиб боради. Бунга мисол сифатида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин. Масалан: *open access journal* – ҳаммага фойдаланиш учун ҳуқуқи берилган электрон журнал, *speech and language technologies* – нутқ ва тил технологиялари, *hacking* – бузиш, *open information* – махфий бўлмаган ахборот, *limited access information* – фойдаланиш чеклаб қўйилган ахборот, *hybrid computer* – аналог рақамли компьютер, *natural language processing* – табиий тилни қайта ишлаш, *immunity* – иммунитет, *smart network* – ақлли тармоқ, *computational lexicology* – компьютер лексикологияси, *message* – хабар, *key word* - калим сўз, *annotation* – аннотация, *password*- парол, *phriker* - қоидабузар ва бошқалар.

Ўзбек терминшунослик масалалари билан шуғулланган тилшунос олим Х.Дадабоевнинг қайд этишича: “...бугунги ҳаётни замонавий ахборот коммуникация тармоқлари, хусусан, интернет ва бу соҳада қўлланувчи терминлар тизимисиз тасаввур этишнинг асло имкони йўқ. Зеро, илм-фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг шиддат билан ривожланаётганлиги, жаҳоннинг тараққий этган мамлакатларида содир бўлаётган глобаллашув ва интеграция жараёнлари тилларнинг ўзаро жипс ва мустаҳкам алоқаларига кириши уларга хос лексик фонднинг бойишига замин яратади”[4]. У қўшимча тарзда, “...ўзбек тили терминологияси таркибига кириб келаётган “**интернет**” билан боғлиқ терминларни асосан ўзлашмалардан иборат эканлигини таъкидлаган ҳолда, уларни икки турга, яъни инглиз тилидан айнан ўзлашган ўзлашмалар. Булар қаторига: *пакет, гигабайт, оверлей, псевджинг, тракт, пинг, пиксел, кросс-браузер, терабайт, плажин* сингари терминларни киритади. Шунингдек, рус тилидан ўзлашган терминлар қаторига эса: *якор, массив, магистрал, шлюз, адаптация* каби терминларни киритади. Шу жойда “**якор**” ўрнида “**лангар**”, “**шлюз**” ўрнида “**тўғон**”, “**шрифт**” ўрнида “**харф**”, “**магистрал**” ўрнида “**шоҳ йўл**” лексемаларини қўллашни тавсия қилиш мумкин[5]” лигини қайд этади.

Таъкидлаш лозимки, соҳавий лексика фондига кириб келган хорижий лексема ва терминларнинг ўзбекча муқобилларини қўллаш миллий тилимизнинг жозибаторлигини оширади ва унинг дунё миқёсида нуфузини юксалтиради. Бунга янада аниқроқ ва лўндароқ изоҳ берадиган бўлсак, бирон-бир мулоқот вазиятида муайян тушунчани икки, яъни, ўз ва ўзлашма термин орқали ифодалаш тўғри келиб қолса, шубҳасиз “афзаллик урғуси” ўзбекча терминга берилиши мақсадга мувофиқ. Бироқ, маълум хорижий ўзлашма терминларни ўрнига у ёки бу ўзбекча муқобилини қўллаш лозим, - деган таклиф ўзини оқлаши маълум даражада қийин кечади. Чунки, тилда мажбурийлик тамойили амал қилмаслиги исбот талаб қилмайдиган аксиомадир. Зеро, “яшаш учун” табиий тилда рақобатлашаётган терминлардан қайси бири ўзбек

тили луғат бойлигидан муносиб ўрин эгаллаши ҳаётнинг реал эҳтиёжидан келиб чиқади, натижани лисоний мулоқот амалиёти ҳамда вақтни ўзи кўрсатадиган жараён эканлигини унутмаслигимиз керак, албатта.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, ҳар қандай соҳавий лексика умумадабий лексика негизида вужудга келади. Терминологик лексика умумхалқ лексикасининг ажралмас бир лексик қатлами бўлганлиги сабабли улар тараққиётнинг барча жараёнларини бирга “бошидан кечиради” ҳамда параллел тарзда бойиб боради. Бу фикр компьютер лингвистикаси терминологиясига ҳам тааллуқлидир. У ўз навбатида умумадабий тилнинг бойиши учун хизмат қилади. Шуниси ҳам борки, жамиятда маълум бир соҳа ёки фан тараққий этгандагина ўша соҳа терминологияси вужудга келади. Шу маънода, компьютер лингвистикаси терминологик фондининг ривожланиши ва бойиб бориш йўллари ҳар хил ёндашувлар асосида изоҳланади. Масалан: бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш, янги сўз яшаш, тилдаги айрим грамматик категорияларнинг лексикалашуви, муайян сўз бирикмаларининг семантик бир бутун ҳолга келиб қолиши (бунда умумадабий тилда мавжуд бўлган баъзи бир сўзлар семантик усул натижасида маъноларини торайтириш ёхуд кенгайтириши мумкин, семантик кўламида кўчма маънони акс эттириш хусусиятига эга бўлиши) мумкин. Англашиладики, ўзбек тили КЛ терминологияси ҳали тўлиқ шаклланишдан тўхтагани йўқ, аксинча, экстралингвистик ва интралингвистик омиллар асосида тизимли тарзда ривожланиб бормоқда. Бугунги кунда КЛ терминологик бирликларининг ясалиш жараёни ниҳоятда фаол кечаётир, - десак тўғри бўлади.

**Хулоса.** Хулоса сифатида шуни қайд қилиш зарурки, инглиз ва ўзбек тили компьютер лингвистикаси терминологияси ўзида бир мунча мураккаб иерархияга асосланган босқич ва тизимларни ўзида акс эттирган бўлиб, унинг структуравий элементлари терминлар вазифасини бажарувчи яқка морфемадан таркиб топган сўз ва сўз бирикмаларида акс этади. КЛ терминологияси шунчаки терминлар мажмуи эмас, балки бир нечта фанлараро лексиканинг ички мантиқий узвийлигини таъминловчи барқарорлашаётган ўзига хос терминологик тизимдир. Мазкур мураккаб терминологик тизим бириклари КЛ лексикаси таркибини ташкил қилувчи бошқа терминосфераларнинг ўзаро лисоний муносабатлари негизида ягона халқда бирлашади.

#### Adabiyotlar/Literatura/ References:

1. Ахмедов О.С. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ-божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари. Дисс...фил.фан.док-ри (DSc) Тошкент: 2016. 256.
2. Комлева И.Л. Принципы формирования русской компьютерной терминологии: Дисс... канд. филол. наук: Москва. 2006. – С. 19
3. Ахмедов О.С. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ-божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари. Дисс.фил.ф.д. (DSc).Тошкент. 2016. 256 б.
4. Дадабоев Ҳ. Ўзбек терминологияси. Тошкент: 2019. Ёшлар нашриёти. 138 б.
5. Ўша манба: 52 б.

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ S/2 (4) – 2024*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).